



08.11.2018



2018 йил 26 октябрь куни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Ф.Эберт номидаги жамғарманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Шахсий дахлсизликни таъминлашнинг суд-ҳуқуқ кафолатларини мустаҳкамлаш соҳасидаги долзарб вазифалар: Ўзбекистон тажрибаси” мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди.

Конференцияни ташкил этишдан кўзланган мақсад қийноқларни қўллашнинг олдини олиш бўйича муваффақиятли амалиётлар асосида жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштиришдан иборат.

Қийноқларга қарши бутунжаҳон ташкилоти, Қийноқларга қарши Дания институти (Дания), Юристар халқаро ассоциациясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича институти (Буюк Британия) вакиллари ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва суд органлари, фуқаролик жамияти институтлари, юридик илмий жамоатчилик, таълим муассасалари ва ОАВ вакиллари иштирок этган тадбир давомида қийноққа қарши кураш бўйича халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилиниши, суд-тергов жараёнида ва жазони ижро этиш муассасаларида қийноқлардан холи бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, қийноқлар қўлланганини самарали тергов қилиш бўйича халқаро стандартларга ўқитиш масалалари муҳокама қилинди.

Халқаро анжуман иштирокчилари ҳуқуқий давлатнинг муҳим кўрсаткичи, давлат сиёсатидаги устувор йўналишни аниқлашга имкон берувчи эркинлик ва шахсий дахлсизликнинг ҳимоя қилиш даражаси ҳисобланишини таъкидлаб ўтишди.

Акмал САИДОВ,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори, юридик фанлар доктори, академик:

— Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни ташкиллаштиришни такомиллаштириш бўйича изчил ва босқичма-босқич, жумладан, қийноқларнинг олдини олиш учун зарур ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда БМТнинг Қийноқларга қарши конвенциясига қўшилиши давлатнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг умумэътироф этилган қадриятларига бўлган интилишларини яна бир бор тасдиқлади. Қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича бир қатор халқаро стандартларни тан олиш, давлат жазони ижро этиш тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масалаларига эътиборини янада кучайтирди.

“2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни амалга ошириш доирасида юртимизда маҳкумлар ва ҳибсхоналарда сақлаб турилган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган жиноят-ижро тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишда муҳим ҳодиса бўлди. Фармонга кўра, Ўзбекистонда жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ ҳамда бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд кадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаш, жиноят иши доирасида ноқонуний йўл билан олинган ҳар қандай аудио ва видео ёзув ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш қатъиян ман қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелда қабул қилинган “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига кўра қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун масъулият кучайтирилди.

Жиноят кодексида қийноққа солиш маъмурий қамоққа олинган шахсга, шунингдек, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга, гувоҳга, жабрланувчига, жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига улардан ёки бошқа учинчи шахсдан бирор-бир ахборот олиш, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш мақсадида, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органи ходими томонидан ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан қўрқитиш, уруш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш йўли билан ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий, психологик, жисмоний босим ўтказиш ёки бошқача тарзда босим ўтказиш, деб белгиланди.

Қийноқ ва бошқа жиноятлар тўғрисидаги даъволарни тезда ва ҳолисона текшириш учун Президентимизнинг халқ қабулхоналари тизими, Президент ва Бош вазирнинг виртуал қабулхоналари, ҳуқуқ-тартибот органлари ва бошқа давлат ташкилотларининг виртуал қабулхоналари фуқароларнинг шикоятларини ўз вақтида ва самарали кўриб чиқишини кузатиб борувчи Президент девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати яратилди.

Ушбу чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларни бажараётганини тасдиқлайди ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва қабул қилинган халқаро мажбуриятларни бажаришда барқарор анъаналар яратиш имконини беради.

Джон Мак ГРЕГОР,

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, элчи:

— Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, хусусан, жинсий тажовузлардан ҳимоя қилиш, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига йўл қўймасликка қаратилган амалий саъй-ҳаракатлари эътирофга сазовор.

Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” да инсон ҳуқуқларининг барча жабҳасини қамраб олгани алоҳида эътиборга молик. Бугунги кунда БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда инсон ҳуқуқларига оид барча халқаро шартномалар Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларда тўла-тўқис ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистоннинг 2021-2023 йилларда БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши аъзолигига илгари сурилганини қўллаб-қувватлайман.

Қийноқларга солишнинг ҳамда шафқатсиз ёки қадр-қиммат камситиладиган муаммо ёки жазолашнинг олдини олиш бўйича Европа қўмитаси (ҚОЕҚ) Европа Кенгаши томонидан 1987 йилда қабул қилинган шу номдаги Конвенцияга мувофиқ ташкил этилган.

Мазкур қўмита ваколатлари сирасига Европа Кенгашининг “Қийноқларга солишнинг ҳамда шафқатсиз ёки қадр-қиммат камситиладиган муомала ёки жазолашнинг олдини олиш Конвенцияси”га қўшилган мамлакатларнинг озодликдан маҳрум қилинган шахслар сақланадиган жойларда бўлиш, бу ерлардаги аҳволни ўрганиш асосида озодликдан ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган муомала ёки жазолашдан ҳимоя қилиш бўйича умумий маърузалар тайёрлаш киради.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистонда бу борадаги саъй-ҳаракатлар ибратомуз эканлигини ҳам таъкидлашдан мамнунман.

Ботир МАТМУРОДОВ,

Олий Мажлис Сенати Қонунчилик палатаси ва суд-ҳуқуқ қўмитаси раиси:

— Алоҳида ифтихор билан таъкидлаб ўтиш жоизки, яқинда Швейцариянинг Женева шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 37-сессиясида юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соҳага оид халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш борасида изчил олиб борилаётган ишлар, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг республикамиздаги ислоҳотларга берган ижобий баҳоси эътироф этилди. Яна бир диққатга сазовор жиҳати, юксак даражали сегмент йиғилиши доирасида Ўзбекистон илк бор 2021-2023 йиллар мобайнида Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида сайланиш истагини билдирди.

Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида инсон ҳуқуқлари бўйича етмишдан ортиқ халқаро ҳужжатларни, шу жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактни ратификация қилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1984 йил 10 декабрдаги “Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция”ни имзолаган. Айни пайтда давлатимиз Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилотнинг инсон мезони бўйича ҳужжатининг қатнашчиси ҳисобланади.

Ўзбекистонда қийноқлар ва шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қиммат камситиладиган муомала ёки жазолашнинг олдини олиш бўйича ҳам кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қийноқларга қарши конвенцияга қатъий амал этилиши мамлакат парламенти иккала палатасининг узлуксиз диққат-эътиборидадир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция”си қоидаларининг мамлакатда бажарилиши юзасидан БМТ Қийноқларга қарши қўмитасига миллий маърузалари кўриб чиқилиши яқунларини махсус мажлисларида кўриб чиқади.

Мамлакатда жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини либераллаштиришнинг тадрижий жараёни изчил давом этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгартиришлар асосида судгача иш юритиш босқичида тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Шахсни тиббиёт муассасасига жойлаштириш процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколатлари судларга берилди. Шу билан бирга озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўташ шарт-шароитларини яхшилаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шу жумладан, жазони ижро этиш муассасаларнинг фаолияти устидан назорат қилишнинг самарали механизмларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ҳам мустаҳкамланди.

Қизғин савол-жавоб ва фикр-мулоҳазаларга бой халқаро анжуман давомида халқаро экспертлар ва юртимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида энг мақбул йўлдан бораётганлиги яна бир бор таъкидланиб, келгусидаги халқаро ҳамкорлик режалари белгилаб олинди.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА,

“Инсон ва қонун” мухбири

Сўнгги янгиликлар:

- [Ишончга кириб “иши”ни битирмоқчи бўлди](#) [3]
- [Диннинг асл моҳияти бағрикенгликдир](#) [4]
- [Ёлғонни аниқловчи сунъий тафаккур](#) [5]
- [Халқимиз учун ҳуқуқий маърифат яратиш бош мақсадимиз](#) [6]
- [Одил ҳукм \(ҳикоя\)](#) [7]
- [Ўзбек отахонлари Кавказортининг сўлим гўшасида](#) [8]
- [PR — нафақат бирор идоранинг, балки жамиятнинг ҳам юзига айланиши керак](#) [9]
- [Микрокредитбанк: Ҳар бир оила — тадбиркор, ҳар бир оила — бахтиёр](#) [10]
- [Адлия бўлимлари одамлар орасида](#) [11]
- [Халқ дардига елка тутиб халққа яқинлашамиз](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=ruknlar/4294>

Ссылки

- [1] <http://insonvaqonun.uz/print/4294>
- [2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4294>
- [3] <http://insonvaqonun.uz/node/4331>
- [4] <http://insonvaqonun.uz/node/4329>
- [5] <http://insonvaqonun.uz/node/4328>
- [6] <http://insonvaqonun.uz/node/4327>
- [7] <http://insonvaqonun.uz/node/4326>
- [8] <http://insonvaqonun.uz/node/4325>
- [9] <http://insonvaqonun.uz/node/4324>
- [10] <http://insonvaqonun.uz/node/4322>
- [11] <http://insonvaqonun.uz/node/4321>
- [12] <http://insonvaqonun.uz/node/4320>